**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**
# Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

2021-yil “23” mart Қ-304 -son Jarqo‘rg‘on t.

**Жарқўрғон туманидаги пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “XAVOXON ABDULLAYEVA” фермер хўжалигининг ер майдонини қисман камайтирган холда мақбуллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низом, «Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси»нинг 6-боб 16-бандига асосан ва “XAVOXON ABDULLAYEVA” фермер хўжалиги раҳбари Бекназов Бахтиёрнинг туман ҳокими номига ёзган аризасига асосланиб

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1.Жарқўрғон туман “Т.Шобуров” массиви худудида жойлашган “XAVOXON ABDULLAYEVA” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Бекназов Бахтиёрнинг қисман ер майдонини туман ҳокимлиги ихтиёридаги захира ер фондига қайтариб бериш тўғрисидаги ёзган аризаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Тумандаги “Т.Шобуров” массивидаги пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “XAVOXON ABDULLAYEVA” фермер хўжалиги ҳисобидаги 295қ-дала контуридаги умумий ермайдони 1,8 гектар, шундан 1,7 гектар ўтлоқ ва яйловлар ва 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат ер майдонларини камайтирган ҳолда мақбуллаштириб, туман ҳокимлиги заҳира ер фондига қайтариб олиниб, “XAVOXON ABDULLAYEVA” фермер хўжалиги ҳисобида 295а, 362қ, 270қ, 290, 291, 298, 299, 301қ, 289, 303, 352, 353, 325қ, 358, 363, 255, 256, 257, 258, 605қ, 498 ва 496-дала контуридаги умумий ер майдони 93,0 гектар, шундан 77,4 гектар экин майдони, 3,3 гектар боғзорлар, 1,0 гектар ўтлоқ ва яйловлар, 7,7 гектар ариқ ва зовурлар, 0,7 гектар йўллар, ва 2,9 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар билан банд бўлган ер майдонлари қолганлиги белгилаб қўйилсин.

3.“ XAVOXON ABDULLAYEVA” фермер хўжалиги ҳисобидан камайтирган ҳолда мақбуллаштириб қайтарилаётган ер майдонини “Ер участкаларини ажратиб бериш, реализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш” бўйича туман комиссиясига туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилган 295қ-дала контуридаги

умумий ермайдони 1,8 гектар, шундан 1,7 гектар ўтлоқ ва яйловлар ва 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат ер майдонлари бўйича танлов ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўрнатилган тартиб бўйича танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4.Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси Жарқўрғон туман бўлими бошлиғи вб (Б.Аллабердиев) га "XAVOXON ABDULLAYEVA" фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тайёрлаш ва 2021 йил1 январь ҳолатига тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

5.Ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ва амалдаги бошқа қонунларга риоя қилиш, иморатлар қурмаслик, тузилган шартномаларга тўлиқ амал қилиш, фермер хўжалиги бошлиғи Бекназов Бахтиёрнинг зиммасига юклатилсин.

6.Туман ҳокимининг 2020 йил 23 декабрдаги Қ- 2006-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокимининг ўринбосари А.Хушназаров ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Тураповлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** DEVONXONA **Б.Ўрақов**

Шарқурғон тумани ҳокими

Б. Турсуновга

туманидаги "Хавахон

Абдуллаева" фермер

хўжалиги бошлиғи

Бекназов Бахтиёр

томонидан

25.02.2021

12

Ариза.

Хўжалигим маҳсули йўқдан иборатки фермер хўжалигимиз ер майдонида бўлган 295-контурдаги 1,8 га қисмини суғорилмайдиган хиловини тумани ҳокимлиги ер захирасига қайтариб олишингизни сўрайман.

Хавахон Абдуллаева ф/х бошлиғи Бекназов Б

25.02.2021 йил.

99-333-24-33

1
01-46/б-245
26.02.21